

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди.



“3-декабр – Халқаро ногиронлар куни” Республикамизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда. Бу эса ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг яққол исботидир.

Қумқўрғон туманида ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканликларини кўрсатиш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугун ушбу сана муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Тадбирга меҳнат фахрийлари, байналминал жангчилар ҳамда имконияти чекланган инсонлар ташриф буюрдилар.

Халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик ва бағрикенглик намунаси бўлган ушбу учрашувда иштирокчилар бир пиёла чой устида суҳбатлашдилар.